2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” йили

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

https:// adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

№ 48 (1513) 2024-YIL 22-NOYABR, JUMA

Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир.

Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз.

Мен Президент сифатида сизларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли йиғилиш иштирокчилари!

Аввало, сиз, азизларни кучли рақобат, қизғин сиёсий кураш ва ошкоралик муҳитида ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган шарафли мақомга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу юксак ишонч – сизларнинг бой билим ва ҳаётий тажрибангиз, юртимиз равнақи, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида қилаётган фидойи меҳнатингизга нисбатан халқимизнинг улкан ҳурмат ва эҳтироми ифодасидир.

Ҳар қандай сайлов давлат ва жамият учун муҳим сиёсий жараён эканини барчамиз яхши тушунамиз. Айниқса, жаҳондаги бугунги кескин ва таҳликали вазиятда бундай умумхалқ тадбирларини ўтказиш янада катта масъулият талаб этади.

Ўзингиз кўраяпсиз, турли минтақаларда уруш ва жанжаллар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар авж олиб бормоқда. Баъзи халқлар учун бир кунни, бир дақиқани тинч ва осойишта ўтказиш орзу-армонга айланмоқда.

Ана шундай ғоят мураккаб даврда сайловларни осойишталик шароитида, эмин-эркин ўтказганимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликдан далолат беради. Ва барчамиз бу бебаҳо бойлигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз ва мустаҳкамлашимиз керак.

Хорижий ташкилотлар ва кузатувчилар ҳам бўлиб ўтган сайлов жараёнлари халқаро стандартларга тўла мос ҳолда ўтганини эътироф этиб, уларга юқори баҳо берганини таъкидлаш лозим.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бу йилги парламент сайловларининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталганда, аввало, улар янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирганини қайд этишни истардим.

Айни шу асосда ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги халқ вакиллиги тизими шакллантирилди. Энди, янги таркибдаги Олий Мажлис ўз фаолиятини натижадорликка йўналтириб, қонуний ваколатларидан аниқ мақсад йўлида, самарали фойдаланиш устида жиддий иш олиб бориши зарур.

2-3

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни юксак ишончга сазовор бўлиб, Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, сенатор деган ном – юксак ва шарафли мақом, шу билан бирга, улкан масъулият эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз учун тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт яратиш йўлида бор билим ва тажрибангизни, куч ва салоҳиятингизни ишга солиб, халқимиз ишончини оқлайсиз, деб умид қиламан.

Кучли рақобат, адолат ва ошкоралик руҳида ўтган сайловлар натижасида бешинчи чақириқ Сенатнинг таркиби сифат жиҳатидан юқори даражада шаклланди. Бугун сизларнинг тимсолингизда кўплаб етакчи соҳа ва тармоқлар вакилларини, таниқли сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан ва маданият намояндаларини кўриб турганимдан хурсандман.

Сенаторларимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида гапирганда, уларнинг ҳар 3 нафаридан бири илмий даражага эга эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Эътиборлиси, Сенат аъзоларининг қарийб 27 фоизи ёки 16 нафари хотин-қизлардир. Бу эса оила, оналик ва болалик, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, умуман, ижтимоий масалалар бўйича қонунчилик фаолияти ҳамда парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар давлатимиз ва жамиятимиз ривожида ҳам, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб бермоқда, десак, тўғри бўлади.

Янги сайланган маҳаллий Кенгашлар таркиби ва мақомига кўра олдинги ҳолатдан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 3 мингдан ортиқ юртдошларимиз илк бор депутат бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, маҳаллий Кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етгани, 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 3,5 карра ошиб, 266 нафарни ташкил этгани Сенат фаолиятини янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги мажлисда иштирок этаётган сенаторларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамдир.

Барчамиз яхши тушунамиз, дунё миқёсидаги вазият мисли кўрилмаган даражада кескин ва мураккаб бўлиб бораётган ҳозирги шароитда юртимиз тинчлиги ва равнақини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам устувор вазифага айланмоқда.

4

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Бугун янгиланган Конституциямизга мувофиқ, илк бор қуйи палатада Бош вазир лавозимига номзод ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур.

Бу масаланинг нақадар муҳимлиги, ўйлайманки, ҳаммамизга яхши аён. Нега деганда, мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугун мутлақо янги ваколат ва вазифаларга эга бўлган Ҳукумат шаклланмоқда. Бу фикрни Конституция даражасида биринчи марта камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, инвестиция, экология каби муҳим йўналишларда Вазирлар Маҳкамасининг мажбуриятлари белгилаб қўйилгани ҳам тасдиқлайди.

Халқимиз бугун ана шундай ҳал қилувчи масалалар бўйича янги Ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда.

Асосий масалага ўтишдан олдин ўтган 5 йилда ҳар томонлама пухта ўйлаб қабул қилинган дастурлар ижроси қандай таъминлангани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 2018 йилдаги 1 минг 600 доллардан 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу йил яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга тушиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 карра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллион юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши 30 фоиз даражасида таъминлангани иқтисодиётимиз ривожи учун келгуси йилларда ҳам мустаҳкам замин яратмоқда.

Илгари тўлиқ давлат тасарруфида бўлган соҳалар, яъни, энергетика, кимё, авиация, геология, металлургия, машинасозлик, таълим ва тиббиётда хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик муносабатларига кенг йўл очганимиз уларнинг ривожида кучли омил бўлди.

Айниқса, энергетика соҳасида том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми 1,5 карра ўсиб, 80 миллиард киловатт-соатга етгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Яна бир муҳим ўзгаришга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳи ташкил этилиб, қамров мактабгача таълимда – 74 фоиздан, олий таълимда эса – 39 фоиздан ошди.

Ижтимоий хизматлар тизимида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, ижтимоий ходимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида азму шижоатли спортчиларимиз чинакам рекорд натижаларни қайд этиб, жами 39 та медаль, жумладан, 18 та олтин медални қўлга киритдилар. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган бундай ютуқлар барчамизга янги куч-ғайрат бахш этиши табиийдир.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Жаҳон миқёсида ҳукм сураётган бугунги ўта кескин ва оғир шароитда юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб, иқтисодиётимизда барқарор ўсишни таъминлаб, мана шундай марраларга эришиш осон бўлмаганини барчамиз яхши тушунамиз.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, аҳолимиз 37 миллиондан ошди. Келгуси 5 йилда эса, Худо хоҳласа, 40 миллиондан ортиши кутилмоқда. Бундай демографик ўсиш, албатта, катта имконият, лекин, шу билан бирга, бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасиз.

Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бормоқда.

Ана шундай долзарб муаммоларга самарали ечимлар топиб, янгича фаолият олиб бориш Ҳукумат учун жиддий синов бўлиши табиий, албатта. Бугун Бош вазир лавозимига тавсия этиладиган номзод ана шу масалаларнинг барчасини ҳисобга олиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз дастурини тақдим этади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида келгуси йиллар учун катта марраларни белгилаб олганимиздан хабарингиз бор. Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган эдик.

Очиқ айтиш керак, дастлаб бунга айрим кишилар шубҳа ёки иккиланиш билан қарагани ҳам бор гап. Лекин ўз вақтида зарур чора-тадбирларни амалга оширганимиз, барча имкониятларни ишга солганимиз туфайли бу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Янги Ҳукумат, барча раҳбарлар биргаликда қаттиқ ишлаб, ислоҳотларимиз шиддатини пасайтирмасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттирсак, 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказа олишимизга мен албатта ишонаман.

5

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

1

Иккинчидан, Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришганимизга саккиз йил бўлди. Бу даврда халқимизнинг сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва иштироки кучайди.

Буларнинг барчаси аралаш сайлов тизимини жорий этишга мустаҳкам замин яратди. Кўплаб давлатларда бундай ислоҳотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлган.

Шу маънода, Ўзбекистон аралаш сайлов тизимини қисқа фурсатда, дадил жорий этишга эришган кам сонли мамлакатлардан бири, дейишга муносибдир.

Бўлиб ўтган сайловлар ушбу тизим сиёсий партиялар фаоллигини оширгани, улар ўртасида кучли рақобат учун кенг ва тенг шароит яратганини яққол намоён этди.

Янги тизим – ҳар бир сайловчининг овози Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўрни учун муҳим эканини, бу борада адолат тамойили янада кучайганини ҳам кўрсатди.

Учинчидан, сайловлар тўлиқ очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик муҳитида ўтди. Қўлланган замонавий технологиялар ҳам бу жараёнда муҳим роль ўйнади. Жумладан, сайловнинг барча босқичлари тўлиқ рақамлаштирилиб, “E-saylov” ахборот тизими жорий қилинди. Овоз бериш жараёнларини онлайн кузатиш имкони яратилди, илк бор электрон овоз бериш синовдан ўтказилди.

Сайловларни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби 13 та нуфузли халқаро ташкилот, 40 дан зиёд давлатдан 850 нафар хорижий ва 65 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг мингдан ортиқ вакиллари кузатиб борди.

Уларга сайлов жараёнлари ҳақидаги холис фикрлари ва тавсиялари учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан ташаккур изҳор этаман. Биз ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрамиз.

Тўртинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг мустақиллиги сезиларли кучайгани, профессионал сайлов органлари ташкил этилгани сайловларнинг ҳаққоний руҳда ўтишида муҳим роль ўйнади.

Сайловлар қонунчилик талаблари ва халқаро стандартларга тўла мос ҳолда ўтишини таъминлаган барча даражадаги сайлов комиссиялари, хусусан, Марказий сайлов комиссиясига алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Умуман, сайловларда 15 миллиондан зиёд аҳолимиз, жами сайловчиларнинг қарийб 75 фоизи фаол иштирок этгани уларнинг олиб бораётган ислоҳотларимизга бўлган юксак ишончини яна бир карра тасдиқлади, десам, ўйлайманки, фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар!

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатаси таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайланди. Депутатларимизнинг 11 нафари – 7,5 фоизи 35 ёшгача экани, илк бор ёшлар парламентининг 2 нафар вакили Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангани барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, депутатларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини ҳурматли аёлларимиз ташкил этгани – минтақадаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, албатта қувончли натижадир. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ижобий таъсир кўрсата бошлаганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Биз муҳтарама аёлларимизни, азму шижоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлашни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Тарихимизда илк бор ногиронлиги бўлган фуқаромиз Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. Бу – парламентимизни том маънода инклюзив органга айлантириб, ушбу қатлам манфаатларини янада кенг ифода этиш имконини беради, десак, тўғри бўлади.

Янги таркибда қайта сайланган 63 нафар депутатимиз ҳам бор. Бу – парламент ишида узвийлик ва профессионализмни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Сайлов кампанияси даврида партиялар жиддий тайёргарлик, аниқ ғоя ва дастурлар билан майдонга чиққанига гувоҳ бўлдик.

Партияларимиз илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир таклифни биз албатта кўриб чиқамиз ва амалга оширамиз.

Мен Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Партиянинг бизнес юритишни янада соддалаштириш мақсадида мингга яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, лицензия, рухсатнома ва бошқа чекловчи ҳужжатлар сонини 2 карра камайтириш, давлат харидларида кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш ҳақидаги таклифлари ҳам диққатга сазовордир.

Ҳаёт синовидан ўтган бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслик керак. Жадал иқтисодий юксалишимиз, келажагимиз тадбиркорлик ривожига боғлиқ. Шу боис, партия тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган ислоҳотларимизда фаол бўлиб, янги-янги ташаббуслар билан чиқишига ишонаман.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг мактабларда муаллимларни танлов асосида ишга қабул қилиш ҳақидаги таклифига қўшиламан.

Мен илм, таълим, муаллим бу – тараққиёт калити, деб такрорлашдан чарчамайман. Нега деганда, барча ислоҳотларимиз, тақдиримиз ва истиқболимиз, аввало, мактабга, муаллим ва домлаларга, умуман, таълим соҳаси ривожи билан чамбарчас боғлиқ.

Партиянинг фарзандларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга она тили ва чет тилларни ўргатиш учун янада кенг шароитлар яратишга оид таклифлари ҳам албатта муҳим. Айнан шу йўл билан ёш авлодимизни замонавий тафаккурга эга баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйган бўламиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ногиронлиги бўлган шахслар учун шароитларни янада яхшилаш бўйича билдирган таклифларига тўла қўшиламан.

Ушбу партия аҳолимизнинг пенсияга чиқишдаги кафолатли ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам яхши ташаббусларни илгари сурди. Пенсия тизимини ислоҳ этиш борасида Ҳукумат ишчи гуруҳи бу таклифларни партия вакиллари билан қисқа муддатда кўриб чиқади.

“Адолат” социал-демократик партиясининг истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича позицияси ҳам кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди.

Дорилар устидан назоратни кучайтириш, нархлар сунъий ошишининг олдини олиш, рецептсиз дорилар рўйхатини қисқартириш бўйича партия ўзининг роли ва масъулиятини оширишга қарор қилгани менга маъқул.

Одамларимиз бугун дори-дармонлар нархидан рози, деб айтолмаймиз. Партия шу масалани алоҳида назоратга олиб, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам жонбозлик кўрсатади, деб умид қиламан. Чунки биз барпо этаётган ижтимоий давлатда аҳолининг энг муҳим эҳтиёжлари билан боғлиқ мана шундай масалаларда адолатни таъминлаш ҳал қилувчи ўрин тутади.

Экологик партиянинг давлат органлари ва корхоналар ҳудудида яшил боғлар ташкил этиш, экологик маданиятни юксалтириш бўйича дастур қабул қилиш ҳақидаги таклифлари ҳам ўринли.

Экология масаласи бутун дунёда энг долзарб муаммога айланиб бораётганини яқинда Бокуда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммити ҳам кўрсатди.

Биз Экологик партия ва унинг тарафдорларидан дастур қабул қилиш билан бирга юртимизда соғлом табиий муҳит яратишга, айниқса, ҳаво тозалигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар ва таъсирчан қонунларни кутиб қоламиз.

Умуман, партиялар ва депутатларимиз сайловолди дастурларида ўзлари илгари сурган ана шундай муҳим ташаббусларни қонун билан мустаҳкамлаб, уларни рўёбга чиқариш учун катта куч-ғайрат билан ишга киришишлари лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Ўтган беш йил давомида қуйи палатамиз самарали фаолият кўрсатди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Авваламбор, парламентимизнинг тўртинчи чақириқ депутатлари мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўналишини белгилаб берган Асосий қонунимизни янги таҳрирда тайёрлаш ва қабул қилишда жонбозлик кўрсатдилар ва бу Янги Ўзбекистон солномасида ёрқин тарихий воқеа сифатида муҳрланди.

Қуйи палата томонидан 130 дан ортиқ янги ва яхлит қонунлар қабул қилинди. Бу – олдинги даврга нисбатан 1,5 карра кўп.

Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни мустаҳкамлаш ва янада жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этди, десак, адолатдан бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўтган чақириқда фаолият кўрсатган депутатларга самарали меҳнатлари учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Албатта, парламентимиз фаолиятида ютуқлар билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ҳам бўлди. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи масала. Қонун лойиҳалари сифати бўйича эътирозлар борлигига кўз юмиб бўлмайди. Тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолмоқда.

Биз Парламент тадқиқотлари институтини Қонунчилик палатасига ўтказганимиз бежиз эмас. Энди депутатлар институт билан фаол ишлаб, муаммоларга илмий-амалий ечим топиши, бу борадаги таклифларини қонунчилик ташаббуси даражасига олиб чиқиши керак.

Иккинчи масала. Парламент назорати тўлақонли таъсирчан институтга айланди, деб ҳозирча айта олмаймиз.

Очиғи, парламент ва депутатлик назорати ижтимоий соҳа билан чекланиб қолмоқда. Қонунчилик палатаси экология, озиқ-овқат хавфсизлиги, саноат, хизмат кўрсатиш, инвестиция, экспорт, миграция каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайман.

Масалан, 2030 йилгача яшиллик даражасини 30 фоизга етказишни режа қилганмиз. Шу мақсадда, келгуси йилда ҳар бир туманда кенг жамоатчилик иштирокида экологик паспортлар ва экологик рейтинг ишлаб чиқилади, йирик корхоналарнинг экологик ишлаб чиқаришга ўтишини қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинади, чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 1 миллиард 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Депутатларимиз бу йўналишларда мутасадди идоралар олдига аниқ топшириқлар қўйиб, уларнинг ижросини назоратга олса, экологик мувозанат барқарорлигига катта ҳисса қўшган бўладилар.

Яна бир масала. Депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб бериш билан чекланиб қолмоқда.

Мисол учун, ислоҳотларимизнинг муҳим қисми бўлган камбағалликни қисқартириш масаласида депутатларимиз ҳали ўз ўрнини топа олгани йўқ.

Биз яқинда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини қабул қилиб, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича катта марра олдик. Бу мақсадларга 46,5 триллион сўм йўналтирилади. Бундан ташқари, 100 минг гектар ер деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этиш учун 200 минг камбағал оилага ижарага берилади.

Мана шундай улкан вазифаларни амалга оширишда депутатларимиз ўз округларида энг фаол иштирокчи ва тарғиботчи бўлишлари зарур, деб ўйлайман.

Камбағаллик даражасига тушиб қолган одамларнинг онгини ўзгартириш, уларда эртанги кунга ишонч ва келажакка интилишни қўллаб-қувватлайдиган сиёсий куч, албатта, аввало, депутатлар бўлиши зарур.

Агар янги сайланган депутатларимиз ўз округларида мана шу ишларни амалга оширса, улар халқ ишончини оқлашга ва унинг ҳурматини қозонишга эриша оладилар.

Тўртинчи масала. Сўнгги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва минтақа доирасида бир қатор йирик ташаббусларни илгари сурдик, халқаро ҳамжамият ҳам буни кенг қўллаб-қувватламоқда.

Ўтган даврда Ўзбекистоннинг ташаббуслари асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 11 та резолюция қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Лекин бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: ана шу ташаббусларнинг моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказишда депутатларда, афсуски, фаоллик етишмаяпти.

Қонунчилик палатасининг халқаро ишларга масъул қўмитаси энди бу борада янгича фаолият олиб бориши лозим.

Азиз дўстлар!

Келгуси беш йилда Қонунчилик палатаси олдида ғоят улкан вазифалар турибди.

Биринчидан, қуйи палатадаги 12 та қўмита ўрнида 10 та янгиланган қўмита ташкил қилинди. Бу – жуда тўғри қарор.

Илк бор парламентимизда Тадбиркорлик, рақобат ва саноат қўмитаси тузилгани юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Энди палатадаги қўмиталар аъзолари билим ва тажрибасини тинимсиз ошириб, масъулиятни чуқур ҳис этиб, янада кўпроқ меҳнат қилишлари лозим. Чунки пухта билим, профессионал малака, юксак фазилат ва тафаккурга эга бўлган депутатгина қуруқ гап ва популизмдан йироқ бўлади.

Қўмиталар фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир қўмита қошида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилса, яхши самара бериши аниқ.

Яна бир муҳим масала – парламент қўмиталари вазирликлар билан ишлашда фақат назорат ва талаб этиш эмас, балки улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга аҳамият берса, айни муддао бўлади.

Энг катта камчилик – вазирликлар қуйи бўғинда, айниқса, туман ва шаҳар даражасида самарали иш ташкил эта олмаяпти.

Энди аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш улар учун бош вазифа бўлиши керак. Бундан буён ҳар бир раҳбар ва мутасадди фаолиятига айнан шу мезон асосида баҳо берилади. Талабга жавоб берадиган раҳбарлар ишлайди, бўлмаса, улар билан хайрлашамиз.

Ҳурматли депутатларимиз ҳам ваколатлари доирасида ўз округларидаги туман ва шаҳар даражасида сўров ва талабни ҳеч тортинмасдан кучайтиришлари керак. Чунки халқимизнинг ўзи биздан ана шундай жонбозлик кўрсатиб ишлашни талаб этмоқда.

Иккинчидан, 75 нафар депутатимиз илк бор партиявий рўйхатлар асосида сайланди.

Улар ҳам албатта округларга доимий бириктирилиб, аҳолини қийнаётган муаммолар ечимига масъул бўлиши ва таклифлар киритиб бориши лозим.

Шу ўринда партиявий рўйхат асосида сайланган депутатларнинг сиёсий партия ва ўз фракцияси олдидаги масъулияти бир неча бор ошганини ҳам қайд этиш зарур. Янгича сиёсий-ҳуқуқий шароитда партиявий ва фракциявий интизомни мустаҳкамлаш масаласи ҳам асосий эътиборда бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Учинчидан, қонун ижодкорлиги жараёни, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилиши керак.

Масалан, юртимизда аҳоли сони йилига қарийб 1 миллионга ошмоқда. Бу – янги уй-жойларни кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Эътибор беринг, сўнгги 30 йилда биргина Андижон вилоятида 68 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари уй-жой фондига ўтиб кетган. Деҳқончилик учун зарур ерларни уй-жой қуришга бериб юбораверсак, эртага қаерга экин экамиз, озиқ-овқат хавфсизлиги нима бўлади?

Шу боис, аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиб, эскирган уйлар ўрнида замонавий кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун “Реновация тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Бу қонуннинг қабул қилиниши 20 минг гектар ер майдонини тежаб, 4,5 миллион аҳолини уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Кейинги пайтларда уй-жой қуриб беришни ваъда қилган қурувчи ва унга ишониб сармоя киритган аҳоли ўртасида низолар учраётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларимизнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган қонунни қабул қилиш лозим.

Яна бир мисол. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун сўнгги етти йилда тиббиёт соҳасига йўналтирилган маблағлар 6 баробар ошди. Келгуси йилда ҳам соҳага бюджетдан йўналтириладиган ресурсларни 20 фоизга ошириб, 41 триллион сўмга етказамиз.

Ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича яхлит тизим бўлиши шарт. Тиббий хизматлар сифатини ошириш, ажратилаётган маблағлар ўз эгасига етиб боришини таъминлаш учун мажбурий тиббий суғурта тизимини албатта қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди.

Таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, янги боғча ва мактаблар қуриш, мавжудларини энг замонавий анжомлар билан жиҳозлаш бўйича катта дастурларни бошлаганмиз.

Биз хусусий мактаб ва боғча қураман, деган инвесторларни қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг шароитларни яратиб беришни ҳам ўйлашимиз керак. Бу борада, уларга берилган солиқ ва божхона имтиёзлари муддатини узайтириш, хориждан мутахассис жалб қилиш тизимини соддалаштириш ҳам жуда муҳим.

Қонунчилик палатасининг бюджет, тадбиркорлик, фан ва таълимга масъул қўмиталари бюджет қонуни муҳокамасида Ҳукумат олдига аниқ вазифаларни белгилаб бериши керак.

Бошқа бир мисол. Бугунги кунда расмий банд аҳолимизнинг 23 фоизи ёки 1,7 миллион нафари савдо ва молиявий хизматлар соҳасида фаолият юритмоқда. Лекин ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 11 фоизини берадиган бу соҳалар ҳалигача эски қоидалар асосида тартибга солинмоқда.

Ваҳоланки, молиявий технологиялар, рақамли маркет-плейслар, веб-сервис, бонд омборлари каби янги тижорат майдонлари кундалик ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, франчайзинг, капитал бозори, стартаплар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш бугунги кун талаби, десам, тўғри бўлади.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда сунъий интеллектдан нафақат одамлар учун қулайлик яратишда, балки технологик жараёнлар, тўлов тизими, транспорт бошқаруви каби соҳалар ривожини янги босқичга олиб чиқишда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Шу боис, сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим.

Яна бир масала – юртимизда энергия ишлаб чиқарувчи нодавлат компаниялар сони 11 тага етди.

Келгуси йилда илк бор электр энергияси онлайн улгуржи бозори ишга тушади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳудудий электр тармоқларини бошқариш хусусий инвесторларга аукцион орқали берилади.

Шу боис, иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қиладиган бу соҳада бозор механизмларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишни тезлаштириш зарур.

Умуман, Қонунчилик палатаси пухта ўйланган дастур қабул қилиб, келгуси беш йилда қандай янги қонунлар устида ишлашини аниқ белгилаб олса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, янги даврда парламент чинакам халқ уйи, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши керак.

Ўтган сайловларда сиёсий партияларнинг дастури ҳам, ғоялари ҳам бир-биридан фарқ қилди, турли сиёсий мафкуралар кураши яққол кўзга ташланиб турди. Хусусан, сайловлар жараёнида кўплаб дебатлар ташкил этилганини халқимиз ва халқаро кузатувчилар алоҳида эътироф этди.

Шу ўринда парламентда мухолифатни жонлантириш зарур, деб ҳисоблайман. Бунинг учун парламентдаги мухолифатга кафолатланган ҳуқуқлари сонини 3 тадан 6 тага ошириш, 1 нафар қўмита раиси ва 2 нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чоракда ҳукумат соати ва парламент сўрови доирасида камида биттадан масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар беришни таклиф қиламан.

Умуман, сайловлардаги соғлом рақобат, мухолиф фикрлар кураши парламентга кўчиб ўтса, бу албатта халқ манфаатларига мос қонунлар ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Бешинчидан, парламент назорати, аввало, сиёсий назоратдир, унинг оқибати ҳам сиёсий масъулият билан боғлиқдир.

Шу ўринда Қонунчилик палатасига Ҳукумат аъзоси ҳисоботини эшитиб, унинг якунларига кўра, ушбу раҳбарни истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга таклиф киритиш ҳуқуқи берилганини эслатиб ўтмоқчиман.

Олдинги чақириқ давридаги тор доирали парламент назоратидан энди кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарур.

Олтинчидан, янгиланган Конституциямизга кўра, давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киради.

Бу муҳим ваколат депутатларимиз зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Биринчи галда палатанинг давлат бюджети ижросини назорат қилиш механизмларини янада кучайтиришнинг вақти-соати келди. Жумладан, ҳукуматнинг давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини палатага фақат Бюджет кодексида белгиланган аудит хулосаси билан биргаликда киритиш амалиётига ўтиш керак.

Бундан ташқари, давлат бюджети ижросини назорат қилишда парламент қўмиталари ролини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлари устидан парламент назорати деярли сезилмайди. Янги сайланган депутатларимиз ушбу масалага алоҳида ёндашишлари зарур.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда парламентнинг фаол иштирок этиши муҳим. Масалан, бу йил ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод қилиш бўйича инвестиция дастурларига 30 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирдик.

Бироқ ана шу дастурни қабул қилишда қайси депутат қатнашди? Унинг ижроси бўйича кимдан ҳисобот талаб қилди?

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Шу муносабат билан яна бир муҳим ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам албатта иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олинадиган тизим яратсак, нима дейсизлар?

Бундан ташқари, туман ва шаҳар ҳокимлари ўзлари масъул бўлган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни мустақил ҳал қилиши учун уларнинг молиявий имкониятларини оширишимиз зарур. Ушбу мақсадларда келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдиришни таклиф қиламан.

Халқ вакиллари ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини ишга солиш ва бюджет тушумини кўпайтириш бўйича фаол ташаббус кўрсатишларига ишонаман.

Еттинчидан, кейинги йилларда палата фаолиятида жамоатчилик иштироки янада кучайди.

Хусусан, янгиланган Конституциямизда 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар ўз таклифларини қуйи палатага киритиш ҳуқуқига эга экани кафолатланди. Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссиясини ташкил этишни таклиф қиламан.

Саккизинчидан, ўтган даврда парламент дипломатияси ва парламентлараро алоқалар ташқи сиёсатимизнинг таъсирчан ва прагматик воситасига айланди.

Ўтган беш йилда Ўзбекистон Парламентлараро иттифоқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг парламент ассамблеяларига аъзо бўлди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг хотин-қизлар форуми, Марказий Осиё давлатлари иккинчи парламентлараро форуми каби халқаро тадбирларга мезбонлик қилди.

Олий Мажлисимизнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатлари Парламентлараро иттифоқ томонидан бошқа давлатлар учун яхши намуна сифатида тавсия этилгани албатта барчамизни қувонтиради.

Халқаро парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида қуйи палатада қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссиялари ташкил этишни таклиф қиламан.

Хабарингиз бор, биз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида фаол сиёсат олиб боряпмиз. Бу – тенг рақобат, экспортга қаратилган саноат ва савдо сиёсати. Мазкур жараён, ўз навбатида, солиқ ва божхона кодекси, ташқи савдо, стандартлаштириш ва бошқа бир қатор йўналишлардаги қонунларга ўзгартириш киритишни тақозо этади.

Бу борада янги тузилаётган парламент комиссияси ташаббусни қўлга олиб, қонунларимизни Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига тўлиқ мослаштиришни келгуси йилда якунига етказишига ишонаман.

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Бугунги мажлис мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сана – давлатимиз байроғи қабул қилинганининг 33 йиллиги билан бир кунда ўтаётганида ҳам рамзий маъно мужассам.

Миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз ва эркимиз рамзи бўлган байроғимиз ўтган даврда йирик халқаро сиёсий, илмфан, маданият ва спорт тадбирларида, шоҳсупаларда баланд ҳилпираб, барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олиб, миллий ғуруримиз тимсолига айланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сизлар орқали кўпмиллатли бутун халқимизни бугунги катта байрам билан самимий қутлайман.

Байроғимиз нуфузи бундан кейин ҳам янада юксалаверсин.

Ҳурматли депутатлар!

Ўттиз етти миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган Ўзбекистондек катта давлатнинг парламенти аъзоси бўлиш, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир депутат учун улкан шарафдир.

Айни вақтда халқимизнинг ҳурмат ва эътиборини, орзу-умидларини ҳар куни, ҳар дақиқада ҳис этиб, ана шу юксак ишончга муносиб меҳнат қилиш – беқиёс масъулият эканини барчангиз англаб турибсиз, деб ўйлайман.

Табиийки, депутатларимиз фаолияти фақат юқорида айтиб ўтилган йўналишлар билан чекланиб қолмайди.

Сизларнинг барчангиз аниқ режа тузиб, жойларда электорат билан учрашиб, сайловолди ваъдаларини амалга ошириш орқали эл-юртимизни рози қиладиган тизим яратасизлар, деб ишонаман.

Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир.

Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз.

Мен Президент сифатида сизларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Ишончим комил, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилиб, жонажон Ватанимизни албатта том маънода эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантирамиз.

Сизларни яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Муҳтарам халқ вакиллари!

Мана, ҳозиргина Сиёсий партиялар вакиллари кенгашининг таклифига асосан ҳурматли депутат Нуриддин Муйдинхонович Исмоилов Қонунчилик палатасининг Спикери лавозимига сайланди.

Спикеримиз Ўзбекистонда парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, қонун ижодкорлиги, ташкилотчилик ва раҳбарлик соҳасида кўп йиллик бой тажрибага эга, ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни ва аҳамиятини чуқур тушунадиган, Ватанимизга содиқ ва фидойи инсон эканини барчамиз яхши биламиз. У ўз ҳаёти ва фаолияти давомида халқ ва давлат манфаатларини таъминлаш йўлида бор билим ва тажрибаси, куч-ғайратини сафарбар этиб келмоқда.

Ҳурматли Спикеримизни ана шундай юксак ишонч билан чин дилдан қутлаб, у кишига янги даврдаги ғоят масъулиятли ва серқирра фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига депутат Мавлудахон Исломовна Хўжаева сайланди.

Мавлудахон Исломовна Қонунчилик палатасида икки чақириқ депутати бўлган, бу ҳам унинг ўз меҳнати, ташаббускорлиги, қолаверса, камтарлик, ишчанлик каби фазилатлари билан сайловчилар ишончини қозониб келаётганидан далолат, десак, тўғри бўлади. Мавлудахон Исломовнанинг бу нуфузли лавозимга сайланиши гендер тенглик соҳасидаги сиёсатимизнинг яна бир намоёни бўлиб, қуйи палатадаги 57 нафар хотин-қизларнинг қобилият ва имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига яна бир депутатимиз Раҳим Расулжонович Ҳакимов сайланди.

Раҳим Расулжонович Қонунчилик палатасида қўмита раиси, университет ректори, 2 та вазирликда ўринбосар вазифаларида ишлаган, қонун ижодкорлиги бўйича илмий иш қилган. Бир сўз билан айтганда, ҳам қонунчилик, ҳам ижро ҳокимиятида тажриба орттирган малакали кадр. Бу раҳбар ҳам қуйи палата ҳаётига янги руҳ ва мазмун олиб киради, деб ишонаман.

Қуйи палатамизнинг ушбу раҳбарларини ҳам юксак лавозимлар билан муборакбод этиб, уларга самимий тилакларимизни билдирамиз.

Барча сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини ҳам юксак ишончга сазовор бўлгани билан табриклайман.

Жорий йилда фракция раҳбарлари мақомини белгилайдиган муҳим қонунни қабул қилганимиз албатта бежиз эмас. Ушбу қонун асосида фракция раҳбарлари ўз фаолиятига хос бўлмаган маъмурий-ташкилий вазифалардан озод этилди.

Нима учун бундай қарорга келдик?

Партияларимиз ўз сиёсий мақсад ва дастурларини илгари суриш, ижросини таъминлаш билан фақат сайловлар арафасида эмас, балки мунтазам шуғулланиши зарур.

Шунинг учун фракция раҳбарлари ўз фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, уни тубдан жонлантиришлари, одамларни қийнаётган долзарб масалаларни парламент муҳокамаларига дадил олиб чиқишлари зарур. Бунинг учун улар халқнинг ичига чуқур кириб бориши, электорат билан мулоқотни кучайтириб, сайловолди кампаниясида берилган ваъдаларни амалга ошириш учун чин дилдан ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Ҳурматли депутатлар!

Сизларнинг муҳокама жараёнида билдирган фикрларингизни эшитиб, барчангиз Ватан ва халқ манфаати йўлида астойдил хизмат қилишга тайёр эканингизни сезиб турибман.

Энг муҳими, **депутатнинг овози – бу халқ овози** эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Юрт тақдирига дахлдор ҳар бир масалага ёндашувда аввало сизларга ишонган, сизларга ўз номидан қонун қабул қилиш, қарор чиқариш ҳуқуқини берган меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқимизни кўз олдингизга келтириб, фақат бугунни эмас, келажак авлодларнинг тинчлиги ва бахт-саодатини ўйлаб иш тутсангиз, эл-юртимиз ҳам, яратган Парвардигор ҳам сизлардан рози бўлади.

Шу эзгу йўлда барчангизга ютуқ ва омадлар тилайман.



Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида илгари сурилган конструктив таклифлар, халқчил ташаббус мамлакатимиз парламенти фаолиятини янг босқичга олиб чиқиши баробарида, Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу масъулият нималардан иборат?

Робахон МАХМУДОВА,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Рақобат бор жойда ривожланиш бўлади, адолат қарор топади

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий партиялар илгари сурган таклифларни бирма-бир таҳлил қилиб, уларнинг асослиларини эътироф этди. Жумладан, партиямизнинг истироҳат боғлари, сайилгоҳ ва хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича позицияси, дорилар устидан назоратни кучайтириш, нархларнинг сунъий ошишининг олдини олиш, рецептсиз дорилар рўйхатини қисқартириш бўйича интилишлари ижобий баҳолангани, албатта, келгуси фаолиятимизда бизга куч-ғайрат бағишлайди.

Кўп миллатли халқимизни ўйлантириб турган кўплаб муаммоларга қонуний ечим топишда парламентнинг ролини ошириш ҳақидаги ташаббуслар ҳам фракциямиз аъзолари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Бинобарин, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод қилиш бўйича инвестиция дастурлари шаҳар ва қишлоқларимиздаги халқимиз ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида инвестиция дастурларига 30 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган бўлса-да, ушбу жараёнда депутатларнинг фаол иштироки, унинг ижроси устидан назорати деярли сезилмагани асосли танқид қилинди. Энди биз, депутатлар ушбу фикрлардан тўғри хулоса чиқаришимиз ва Инвестиция дастурларини тайёрлашда фаол иштирок этадиган мукаммал тизим яратишимиз лозим бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг уй-жой сотиб оладиган аҳоли маблағларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни кучайтиришга оид таклифи ҳам эътиборга молик. Сабаби, кейинги йилларда кўплаб юртдошларимиз айрим сохта “қурувчилар”нинг ноқонуний ҳаракатидан азият чекмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларимизнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муаммоларга чек қўйиши, шубҳасиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг тугал ечимини кутаётган мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш ишларини якунига етказишга доир таклифларини ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, партиямиз аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларини давом эттириш тарафдори.

Шу нуқтаи назардан айтганда, дори-дармон тармоғини тартибга солиш, тиббиётда рақамли платформалардан самарали фойдаланиш ва мажбурий тиббий суғурта тизимини мувафаққиятли ишга туширишга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш яқин истиқболдаги фаолиятимизнинг асосий мақсади бўлиб қолади.

Мажлисда парламентда мухолифатни жонлантириш ва уларга қўшимча ҳуқуқлар бериш таклифи ҳам билдирилди. Бу демократик жамият қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соғлом рақобат ва очиқ муҳокамаларни таъминлайди.

Ушбу тарихий нутқда сайловлардаги соғлом рақобат, қарашлар плюрализми парламентга кўчиб ўтиши, янги Ўзбекистон парламенти “ғоялар генератори”га, конструктив баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши лозимлиги ҳам қайд этилди. Бундай ёндашув парламент фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга замин яратади. Зеро, рақобат бор жойда ривожланиш бўлади, адолат қарор топади.

Президентимиз белгилаб берган устувор вазифалар ва илгари сурилган муҳим таклифлар халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, “Адолат“ СДП ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ушбу залворли вазифалар ижросини ҳаётга татбиқ этишда янада фаол қатнашади.

Муносабат

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, мусаффо ҳаво ва яшил табиатни барпо этиш йўлида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



Юртимиз экологик мусаффо масканга айланади

Дилшод ШЕРАЛИЕВ,
Норин туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

Жумладан, гуллар маскани сифатида дунёга донғи кетган Наманганни Ўзбекистоннинг энг яшил маконига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишларда ҳам инсон омили кўзда тутилган. Бугун "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятнинг ҳар бир туманидаги маҳаллаларда яшил ҳудудлар, яъни ўрмонлар, мевали боғлар ва манзарали хиёбонлар ташкил қилишга киришилди. Шу мақсадда қарийб олти миллион туп мевали, манзарали кўчатлар, бута ниҳоллари экиш ҳамда қаламчалар етиштириш режалаштирилган.

Президент ташаббуси билан вилоятимизда 65 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" боғи яратилган эди. Айни пайтда бу манзил ҳудуди кун сайин турли навдаги кўчатлар билан тўлдириб борилмоқда. Куни-кеча ушбу боғда оммавий тадбир ўтказилиб, унда ўн мингдан зиёд турли соҳа вакиллари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди. Белгаланган жойларга тартибли равишда ўн минг туп ниҳол қадалди.

Ушбу боғ атрофида замонавий Янги Наманган шаҳарчаси барпо этилмоқда ва унда кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда аҳоли турар жойлари, саноат корхоналари, мактаб, болалар боғчалари, хизмат кўрсатиш ҳамда спорт-соғломлаштириш масканлари бунёд этилиши кўзда тутилган.

Бундай ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бизнинг Норин туманимизда ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалламиздаги 1130 хонадонда яшаётган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида талай ишлар амалга оширилди. Маҳалла ичидаги барча йўллар асфальтланиб, электр, сув таъминоти яхшиланди. Куни кеча "Истиқлол" ва "Янги Фарғона" маҳаллалари аҳолисининг маҳалламиз аҳолиси билан борди-келдисини яхшилаш мақсадида 750 метр йўлга асфальт ётқизилди. Маҳалламиздаги тўрт ярим мингдан зиёд аҳолининг аксарияти зиёли оилалар ҳисобланади. Улар орасида ўқитувчилар, шифокорлар ва давлат идораларида ишлайдиган иқтидорли ходимлар бор. Аҳолининг тенг ярмини ёшлар ташкил этади, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ўқитиш, касбли қилиш ҳар бир оилага, шунингдек, нуронийларга вазифа қилиб берилган. Маҳаллада ташкил этилган кураш тўгараги иштирокчиси бўлган болалар орасида дастлабки медалларни қўлга киритган ёшларимиз пайдо бўлмоқда.

Аёлларни иш билан таъминлаш борасида олдимизга жиддий мақсадларни қўйганмиз, ўн нафар аёл мономарказда ўқитилиб, субсидия ёрдамида чок машинаси билан таъминланди. 55 нафар аёлга ер майдони ажратилиб, қўшимча даромад олишга имкон яратилди. Ўн беш нафар аёл турли ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштирилди. Маҳалла ҳудудида 78,8 гектар томорқа мавжуд бўлиб,аҳоли ундан унумли фойдаланади. Бир юз элликта хонадон эгалари лимон етиштириб, қўшимча даромад олмоқда. Қишки мавсум бошланганлигини ҳисобга олиб, ўнта оила 20 тоннага яқин кўмир билан таъминланди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, айни кунларда кузги кўчат ўтқазиш ишлари маҳалламизда ҳам жадал олиб борилмоқда. Қаерда бир ниҳол қадашга яроқли ер бўлса, ўша жойни тартибга келтириб, яшил бурчаклар яратмоқдамиз. Шу кунгача маҳалла фаоллари, кексалар ва ёшлар билан биргаликда бўш ётган ерларга 2300 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экдик.

Бир сўз билан айтганда, **2025 йилнинг юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили** деб эълон қилиниши кўнглимиздаги айни муддао бўлди. Мамлакатимизнинг экологик мусаффо масканга айланишига ишонамиз.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

1

Буюк шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд бобомиз айтганларидек, қадимги аждодлар битта тўфон кўрган бўлса, бугун биз мингта тўфон кўрмоқдамиз. Чиндан ҳам, биз дуч келаётган глобал муаммоларнинг ҳар бири битта тўфон эмасми?

Турли минтақалардаги қонли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқлим ўзгаришлари, иқтисодий инқирозлар, терроризм ва экстремизм таҳдидлари, қочоқлар муаммолари тобора кучайиб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда юқори палатанинг аввалги таркиби муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, аёллар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масалаларида Сенат алоҳида фаоллик кўрсатди. Охирги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилгани, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилгани ҳам муҳим ижобий натижадир.

Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етди. Сенатимиз Осиё хотин-қизлар форуми, Марказий Осиё давлатлари парламентлараро форуми каби йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилди.

Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг 150-сессияси, яъни юбилей анжумани келгуси йили пойтахтимизда ўтказилиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Сенат ушбу нуфузли халқаро форумни ҳам юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бошчилик қилса, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Шу ўринда Сенатда давлатлараро келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш бўйича илк бор ижобий амалиёт йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Муҳтарам сенаторлар!

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди.

Яна бир муҳим масала. Илгари сенаторларимиз назорат тадбирларида ёки сайловчилар билан учрашувларда қонунларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ваколатга эга эмас эди. Янгиланган Конституциямизда Сенатга қонунчилик таклифини киритиш ҳуқуқи берилиши билан масала ўз ечимини топди. Янги сайланган сенаторларимиз бу жараёнларда энди фаол бўладилар, деб ишонаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Энди, юқори палата ўз фаолиятида тўлиқ ишга солиши лозим бўлган имконият ва йўналишларга тўхталиб ўтсак.

Конституцияда Сенат ҳудудий вакиллик палатаси экани белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, олдинги чақирикда Сенат маҳаллий Кенгашлар билан мулоқот ва ҳамкорлик борасида фақат дастлабки қадамларни қўйганини тан олиш лозим. Масалан, маҳаллий Кенгашлар 15 дан ортиқ масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлса-да, уларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича ягона тартиб ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Яна бир масала. Маҳаллий Кенгашларга кўп ваколатлар бериб, мақомини анча оширдик. Лекин, афсуски, Кенгаш депутатлари тажриба алмашадиган, малака ва амалий кўникмасини ошириб борадиган тизим йўлга қўйилмади. Ўйлайманки, ушбу масала ҳам Сенатнинг янги таркиби эътиборидан четда қолмайди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашларнинг энг яхши тажрибаларини бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш, намунали Кенгашларни эътироф этиш ҳам йўлга қўйилса, албатта, ишимизнинг самараси янада ошади.

Асосий қонунимизга мувофиқ, Сенат 10 дан зиёд юқори мартабали мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитади. Ўтган беш йилда бундай ҳисоботлар 100 мартадан ортиқ эшитилган. Лекин ҳисоботлар кўп ҳолларда чуқур таҳлиллар ўтказмасдан кўриб чиқилмоқда. Масалан, жиноятчилик масаласини олайлик. 2024 йилнинг 9 ойида мамлакатимиз бўйича 45 мингдан зиёд шахс жиноятга қўл урган. Андижон, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ўғрилик, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида фирибгарлик, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик жиноятлари бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ содир этилган.

Сенат парламент назорати доирасида мавжуд аҳволни пухта таҳлил қилиб, “қизил” ҳудудлардаги вазиятни назоратга олса, бу борада қатъий сўров ўтказса, ўйлайманки, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мумкин.

Қадрли юртдошлар!

Сўнгги йилларда кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимиз рейтинги қонун устуворлиги бўйича 8 поғона, электрон ҳукумат бўйича 18 поғона, иқтисодий эркинлик бўйича 49 поғона, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқори кўтарилди.

Бундай муҳим ютуқларни эътироф этган ҳолда, биз айни вақтда бу йўналишларда ҳали яна кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши тушунамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон нуфузли халқаро минбарлардан катта-катта ташаббусларни илгари сурмоқда. Албатта, уларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, хорижий ва маҳаллий экспертларга етказишда сенаторларимиз фаол бўлишларини барчамиз истаймиз. Аммо, афсуски, уларнинг бу борадаги роли етарли даражада сезилмаяпти. Сенатдаги халқаро ишларга масъул қўмита ҳам ушбу масалада анча суст ишлаяпти. Умид қиламанки, юқори палатамизнинг янги таркиби мазкур йўналишдаги фаолиятини яхшилайди.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги таҳликали замон барчамиздан ўз ишимизни танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Сенат олдида турган долзарб вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, янгиланган Конституциямизда Сенат билан Қонунчилик палатаси ваколатларидаги такрорий ҳолатлар бартараф этилиб, уларнинг ҳар бирига тегишли вазифалар аниқ кўрсатилди.

Энди Сенат қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиши зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор беринг, Кенгашлар депутатлари бу йил фуқаролар билан учрашувларда 22 мингдан ортиқ муаммоларни аниқлаган. Яъни, жойлардаги ҳақиқий аҳволни улар яхши билади. Шундай экан, қонунларни парламент қўмиталарида кўриб чиқишда, вазирлик ва идоралар вакиллари билан эмас, балки маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан кўпроқ иш олиб борилса, албатта адолатдан бўлади. Чунки ҳудудларнинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари ҳисобга олинмаган қонунлар қуйи бўғинда самарали ишламайди.

Энг муҳими, қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш лозим. Қонунлар ижросини таъминлашда маҳаллий ҳокимлик ёки Кенгашнинг имконият ва ресурси қай даражада экани доимо Сенатнинг эътибор марказида бўлиши зарур.

Иккинчидан, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси бўлиши керак.

Маҳаллий бошқарувда сифат жиҳатидан янги модель жорий этилаётган ҳозирги вақтда бу айниқса муҳимдир. Хабарингиз бор, энди Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раислари бошчилик қилади. Биз ушбу сиёсий ислоҳот орқали халқимизнинг 30 йиллик орзусини рўёбга чиқардик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги мажлисда иштирок этаётган ҳудудий Кенгашлар раисларини қутлаб, уларга келгуси фаолиятларида ютуқлар тилайман.

Бу йил ҳокимларнинг 33 та ваколати Кенгашларга олиб берилди, яна 17 та ваколатни ўтказишни режа қиляпмиз. Мисол учун, ичимлик суви тарифига устама, давлат объектлари ва бозорларда ижара тўловлари каби жами 7 турдаги маҳаллий йиғимлар миқдорини тасдиқлаш ваколати ҳам маҳаллий Кенгашларга ўтказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. Маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳар ярим йилда қилинган ишлар бўйича матбуот анжуманлари ўтказиш амалиёти йўлга қўйилса, ўйлайманки, бу уларнинг фаолиятида ошкоралик ва ҳисобдорликни кучайтиради.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда давлат бошқарувини қуйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштириш жараёнлари ортга қайтмас тус олганидан далолат беради.

Шу ўринда ғоят муҳим бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. 1992 йилгача мамлакатимизда бир муддат маҳаллий давлат ҳокимиятига икки раҳбар бошчилик қилган ҳолатлар ҳам бўлган. Буни бугунги мажлисда қатнашаётган ёши улуғ инсонлар яхши эслайди. Ўша вақтда айрим раҳбарлар долзарб муаммоларни ҳал қилиб, ҳудудни ривожлантириш ўрнига обрў талашишдан ортмай қолгани ҳам бор гап.

Яқин ўтмишда йўл қўйилган бундай хатолардан тўғри хулоса чиқаришимиз ва уларни такрорлашга йўл қўймаслигимиз лозим. Умуман, ҳоким ҳам, Кенгаш раиси ҳам, аввало, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли манфаатларини етакчи ўринга қўйиб, бир жамоа бўлиб ишлаши лозим.

Айни пайтда Конституцияда белгиланганидек, туман, шаҳар ва вилоятлар миқёсида қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантириш учун ҳокимлар масъул ва жавобгар эканини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Бу фикрларни сиз, ҳурматли сенаторлар билан учрашувда баён этаётганим бежиз эмас. Чунки сизлар, бир томондан, маҳаллий Кенгаш депутатисиз, иккинчи томондан, Сенат аъзоси сифатида зиммангизга маҳаллий вакиллик идораларига кўмаклашиш вазифаси ҳам юклатилган.

Сенат маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар ҳамжиҳат фаолият юритиши, ўзаро муносабатларини тўғри ташкил этиши учун уларга яқиндан ёрдам бериши лозим.

2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди. Бу ҳам муҳим демократик жараён. Юқори палатамиз бу ислоҳотга ҳам жиддий тайёргарлик кўриши керак.

Учинчидан, янгиланган Конституция талаби асосида маҳаллий Кенгашлар яқинда ҳокимларни лавозимга тасдиқлашда, уларнинг ҳудудни ривожлантиришга оид дастурларини илк бор кўриб чиқиб, маъқуллади.

Халқимиз депутатлардан бу дастурлардаги вазифалар ижроси бўйича депутатлик ва Кенгаш назоратини амалга оширишда фаол ва ташаббускор бўлишни кутмоқда.

Мисол учун, сўнгги беш йилда йўл қурилиши соҳасига 48 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса-да, йўлларнинг 32 фоизи ёки 66 минг километри ҳануз таъмирталаб аҳволда. Ичимлик суви ва канализация тизимига эса 23 триллион сўм маблағ йўналтирилган, лекин 747 та маҳалладаги қарийб 8 миллион аҳоли ҳали ҳам марказлашган тармоққа уланмаган. Марказлашган иситиш қозонларининг 8 фоизи ҳамда иссиқлик тармоқларининг 14 фоизи яроқсиз аҳволда.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг 826 таси ёки 70 фоизи, қишлоқ аҳоли пунктларининг 5 минг 859 тасида ёки 78 фоизида бош режа йўқ. Оқибатда, жойларда пала-партиш ва ноқонуний қурилишлар кўпайиб бормоқда. Ўтган йили рўйхатдан ўтказилмасдан қурилиш бошланган 1 минг 600 та объект аниқланган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 1 минг 900 тадан ошгани ҳам бунинг далилидир.

Бу эса маҳаллий Кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари билан жойларда янгича ёндашув асосида ишлашини тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бюджет муносабатлари соҳасида маҳаллий Кенгашлар жуда катта ваколатларга эга. Биз 2025 йилда ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарларнинг ўзида қолдириш бўйича қарор қабул қиламиз. Бу орқали маҳаллий Кенгашларнинг ушбу соҳадаги роли янада ортади. Натижада 2025 йилда туман ва шаҳарлар бюджетлари даромади 9,4 триллион сўм ёки 47 фоизга ошади.

Мисол учун, биргина Хатирчи туманининг бюджетида даромадлар 69,4 миллиард сўм ёки салкам 2 баробар, Бухоро туманида 29 миллиард сўм ёки 1,3 баробарга кўпаяди.

Бу ислоҳотларимиз туман ва шаҳарлардаги масъул ва мутасадди шахслар ўз ҳудудларидаги муаммоларни мустақил ҳал этиши учун имкониятни тубдан ошириш баробарида маҳаллий Кенгашлардан яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалалар ечими бўйича асосли ташаббусларни илгари суришни ҳам талаб этади.

Сенат эса бу йўналишларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, уларга кўмаклашиб бориши зарур.

Тўртинчидан, янгиланган Конституциямизда Сенатга маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича катта масъулият юкланган.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу Кенгашлар 34 минг 400 та қарор қабул қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қанчалик муҳим вазифа экани яққол аён бўлади. Сенат бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши керак. Бу йўналишда юқори палата ҳузурида яқинда ташкил этилган Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим бўлади.

Бешинчидан, Сенат қўмиталари – юқори палатанинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир.

Ҳар бир қўмита жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечими юзасидан ўтган беш йил давомида ўртача 37 тадан назорат-таҳлил тадбири ўтказган. Албатта, бу кўрсаткич ва рақамлар яхши. Лекин назорат тадбирлари кутилган натижа беряптими, улардан кейин жойларда аниқ бир муаммо ўз ечимини топяптими, деган савол сенаторларимизни ўйлантириши керак.

Шу боис, қўмиталардаги эшитув институти асосларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Ҳар бир қўмита ўз йўналиши бўйича маҳаллий Кенгашларга кўмаклашиб борса, табиийки, уларнинг фаолияти ҳам сезиларли даражада кучаяди.

Олтинчидан, биз камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта дастурларни амалга оширмоқдамиз.

Тўрт йил аввал 23 фоиз ёки 7,5 миллион нафар аҳолимизнинг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмас эди. Ўтган даврда 3,5 миллион фуқаро учун даромад олиш имкониятини яратиб, камбағалликни 11 фоизга туширишга эришдик. Келгуси уч йилда уни 7 фоизга туширишни режа қилганмиз.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида келгуси йили бюджетдан 500 миллиард сўм йўналтирамиз. Яна бир янгилик – янги йилдан 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, 50 га яқин имтиёзларни ўзида мужассам этадиган ягона “Ижтимоий карта” тизими йўлга қўйилади.

Даромади ва соғлиғини йўқотиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш кўлами босқичма-босқич кенгайтирилади. Бунинг учун “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўлами кенгайтирилади.

Хабарингиз бор, бугунги кунда имконияти чекланган болаларнинг аксарияти ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда таълим олмоқда. Уларнинг умумтаълим мактабларига қатнаши учун тўсиқсиз муҳит ва зарур шароит яратилади, махсус педагог ва психологлар жалб қилинади.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Жамиятимизда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари учраётганидан хабарим бор. Биз миллий маданиятимизга хос бўлмаган бундай иллатларга қарши муросасиз муносабатда бўлишимиз ва аёвсиз курашишимиз шарт. Бу масала шахсан Президентнинг назоратида бўлади.

Шу боис, яқинда боланинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилинадиган, жисмоний ва руҳий азоб етказиши мумкин бўлган барча ҳолатларда давлат томонидан тегишли ҳуқуқий ва ижтимоий чоралар кўрилишини қонун билан мустаҳкамлаб қўйдик.

Прокуратура органлари зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чораларни янада кучайтириши керак.

Ана шундай режа ва ташаббусларимизни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки, ҳеч шубҳасиз, жуда муҳим.

Еттинчидан, коррупцияга қарши курашиш йўналишида Миллий кенгаш фаолияти йўлга қўйилиб, Сенат раиси унга раҳбарлик қилиши тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Сўнгги беш йилда “Коррупциянинг мавжуд эмаслиги” кўрсаткичида Ўзбекистон 23 поғона юқори кўтарилиб, 2023 йилда 140 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллади ва Марказий Осиё минтақасида бу йўналишда сезиларли ижобий кўрсаткични намойиш этди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш бўйича “Очиқлик индекси” жорий этилди. Баҳолаш натижаларига кўра, қониқарсиз деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари Миллий кенгаш йиғилишларида эшитиб борилмоқда. Бироқ бу борада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам етарли. Ўтган йили коррупцияга оид жиноятлар 12 фоизга камайган бўлса-да, 6 минг 500 нафар шахс коррупцияда айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Умуман, коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент назоратини, бутун жамиятимиз иштирокини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Сенат аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, ёш авлод онгига қонунга ҳурмат, тўғрилик ва ҳалол меҳнат тушунчаларини сингдириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Саккизинчидан, Сенат томонидан Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини сайлаш тизими йўлга қўйилгани суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда бир фикрга урғу бериб айтмоқчиман: Сенатнинг ушбу конституциявий ваколати фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланиб қолмаслиги керак. Юқори палата қўмиталарида номзодларнинг фаолияти билан танишиш ва баҳо бериш, улар ҳақида хулоса билдириш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Шу билан бирга, судьяларнинг мақоми ва судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини, суд тизимини молиялаштириш учун маблағлар ажратишда ушбу ҳамжамиятнинг иштирок этиш кафолатларини алоҳида қонунлар билан белгилайдиган вақт келди, деб ҳисоблайман.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун сизлар билан бирга кун тартибига киритилган ташкилий масала – Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Конституциямизнинг 101-моддасига мувофиқ, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига ҳурматли сенаторимиз Танзила Камаловна Норбоева номзодини тақдим этмоқчиман.

Ушбу номзодни барчангиз яхши танийсиз. Танзила Камаловна давлат ва жамоат бошқарувида бой тажрибага эга. Ўтган даврда унинг Олий Мажлис Сенати Раиси сифатидаги самарали фаолияти натижасида мамлакатимизда хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вазият сезиларли равишда яхшиланди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари борасида илгари сурилган кўплаб ташаббуслар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Ҳурматли Танзила Камаловна юксак лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда янада муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ҳурматли сенаторимиз Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу раҳбарни мамлакатимизда ва халқаро майдонда танилган йирик дипломат, жамоат арбоби сифатида яхши танийсиз. Содиқ Солиҳовични барчангиз яқиндан билганингиз туфайли у кишининг меҳнат фаолияти ҳақида узоқ тўхталиб ўтирмайман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига ҳурматли сенаторимиз Аманбай Тлеубаевич Оринбаев номзодини тавсия этаман.

Бу инсон халқимизнинг фидойи фарзанди бўлиб, 2022 йил 26 августдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, ўша йилнинг 13 сентябридан бир пайтнинг ўзида Сенат Раиси ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Аманбай Тлеубаевич кўп йиллар ички ишлар органлари тизимида масъул лавозимларда самарали хизмат қилган. Меҳнат фаолияти давомида ўзини масъулиятли, Ватанга, касбига садоқатли, синовли дамларда одамларни жипслаштира оладиган жонкуяр раҳбар сифатида кўрсатди.

Сизлардан Аманбай Оринбаев номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари этиб сайланган Танзила Норбоева, Содиқ Сафоев, Аманбай Оринбаевни бугунги юксак ишонч билан шахсан ўз номимдан ва сизларнинг номингиздан чин қалбимдан табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида ютуқ ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **“Салтанат тўнини кийгач, танимдан ҳаловат кетди”,** деган таъсирчан сўзларини кўпчилигингиз ўқигансиз, албатта. Улуғ аждодимизнинг ушбу сўзларида давлатчилик ишига, эл-юрт хизматига бел боғлаган инсон амал қилиши зарур бўлган олий мезон назарда тутилганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Чиндан ҳам, давлат ва халқ хизматчисининг – у сенатор ёки депутат бўладими, ҳоким ёки вазир бўладими – раҳбарлик масъулиятини ўз зиммасига олганидан сўнг беғам-бепарво, лоқайд бўлиб юришга, ҳузур-ҳаловатга берилиб яшашга маънавий ҳаққи йўқ.

Ўзингиз тасаввур қилинг, 37 миллионлик халқдан фақатгина 65 нафар инсонга сенатор бўлишдек юксак шараф ва бахт насиб этди. Бу улкан ишонч ва масъулиятнинг қадрига етиш, уни ҳалол ва содиқ хизмат билан оқлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Донишмандлар айтганларидек, **виждонан қилинган меҳнатдан – нажот, адолатдан – ютуқ ва зафар ҳосил бўлади.**

Сизлар Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшасизлар, халқчил ва адолатли қонунлар қабул қилиб, барчага ўрнак бўласизлар, деб тилак билдираман.

Мен сиз, муҳтарам сенаторлар тимсолида ана шундай катта ишларга қодир, Ўзбекистон олдида турган стратегик вазифаларни чуқур англайдиган, Ватан ва халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган фидойи инсонларни – ўзимнинг энг яқин маслакдошларимни кўраман.

Сизлар бор билим ва тажрибангиз, куч ва имкониятингизни ишга солиб, мамлакатимиз ҳаётида, Сенат фаолиятида янги, ёрқин саҳифа очасиз, деб ишонаман.

Ана шундай шарафли йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, улкан куч-ғайрат, омад ва зафарлар тилайман.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

1

Тўғри, бу кичкина рақам эмас. Лекин эришса бўладиган марра. Бу натижани таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга эришамиз. Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Яна бир бор айтаман, бундай натижаларга эришиш учун куч ва имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етади.

Бу борада энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлашимиз зарур.

Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Ушбу даврда Ҳукумат камида 100 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга ҳамда йиллик экспорт ҳажмини 2 баробар ошириб, 45 миллиард долларга олиб чиқиш, унда тайёр маҳсулотлар улушини 50 фоизга етказишга эришиши лозим.

Хорижий туристлар оқимини 5 йилда 15 миллион нафарга, туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга олиб чиқиш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, норасмий иқтисодиётни “соядан чиқариш”да рақамли технологияларни таянч воситага айлантириш лозим. Хусусан, келгуси йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада рағбатлантириб, онлайн тўловлар улушини 60 фоизга етказиш Ҳукумат ва Марказий банкнинг муҳим вазифаси бўлади.

Биз Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида асосий чора-тадбирларни амалга оширдик ва яқин йилларда ушбу ташкилотга албатта аъзо бўлиб киришимиз керак.

Иккинчидан, жорий йилда Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Ғиждувон туманларида амалга оширилган ишларнинг ижобий натижалари асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” комплекс дастурини қабул қилдик.

Энди кўп қиррали ёндашувлар асосида, камбағал оилаларнинг аъзоларига сифатли таълим бериш, уларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини яхшилаш, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кўмак бериш пакетлари индивидуал бўлади.

Ишни маҳаллабай ташкил қилиб, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади.

Шу мақсадда камбағал оилаларга мансуб болалар мактабларда чет тили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилади. Ижтимоий аҳволи оғир мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаш дастури амалга оширилади. Бунга 2 триллион сўм йўналтирилади. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланади.

Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши ва тўлиқ қувватлар билан ишлашини таъминлаши зарур. Жумладан, “Ёшлик I” конида биринчи босқичга, “Мурунтов” конида эса кейинги босқичларга старт берилади. Шунингдек, Самарқанд вилоятида йилига 910 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган комплекс, 600 минг тонна маҳсулот берадиган металлургия корхонаси, Зарафшонда каустик сода заводи, Нукусда иситиш тизимлари ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилади.

Юртимизда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун барча шароитлар мавжуд. Навоийда микро ГЭСларни барпо этиш бўйича барча босқичлар ўз ресурсларимиз асосида ташкил қилингани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунинг учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш бўйича катта дастур қабул қиламиз. Янги таркибдаги Ҳукумат яқин беш йилда чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари улушини 32 фоизга етказишни асосий вазифа сифатида белгилаб олиши зарур.

Яна бир муҳим масала – иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини 2 карра оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Келгуси йили мамлакатимизда 90 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариб, аҳоли ва иқтисодиёт талабларини тўлиқ таъминлаш лозим. Бунда қайта тикланувчи энергия қувватлари 25 гигаваттга, уларнинг жами истеъмолдаги улуши 40 фоизга етказилади.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа акцияларини IPO га чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаши керак.

Вазирлар Маҳкамаси 2025 йилда “тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида давлат компанияларини трансформация қилишни тезлаштириб, уларнинг харажатларини 15-20 фоизга қисқартириши зарур. Бу борада 1 миллиард долларлик 18 та давлат компаниясининг улуши берилган Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим.

Бешинчидан, аҳолимиз сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади.

Бу борада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, аввало, мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиб, импортни 50 фоизга қисқартириш бўйича дастурларимиз бор.

Ҳукумат бу дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, соҳада экспорт ҳажми 10 миллиард доллардан иборат бўлиши, сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонларини 2 карра ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этиши зарур.

Янги йилда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун 5 триллион сўм, каналларни бетонлаш учун 800 миллиард сўм йўналтирилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш – ҳамиша Ҳукуматнинг кун тартибида туриши керак бўлган асосий вазифалардир.

Биринчидан, ўртача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг аҳоли учун қулайлиги ва сифатини ошириш зарур. Хусусан, 2025 йилда бирламчи бўғинда 3 миллион 700 минг нафар аёлни скрининг текширувидан ўтказиш, бу жараённи рақамлаштириш орқали саратон касаллигини эрта аниқлаш кўрсаткичини ҳозирги 60 фоиздан 85 фоизга етказиш мумкин.

Ҳукумат маҳаллалардаги 18 мингта тиббиёт бригадаларини ўқитиш, 884 минг нафар беморни уй шароитида реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этади. Шу билан бирга, туғруқхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 100 миллион доллар йўналтирилади.

Давлат тиббий суғуртаси ва аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш тизими келгуси уч йилда барча шаҳар, туман ва қишлоқларни қамраб олиши зарур. Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш каби масалалар бўйича Ҳукумат алоҳида дастурлар ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсатимиз изчил давом эттирилади.

Келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш Ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолади. Халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағлари ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгитдан қурилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади.

Тадбиркорларга мактаб қуриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Бунда кредит ставкасининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилади.

Муҳтарам депутатлар!

Юқорида айтилган долзарб вазифаларни бажаришда янги Ҳукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамаси олдида турган устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авваламбор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим.

Шу ўринда барча раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий мезони бўлган бош талабни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Яъни, **халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халққа, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарур.**

Жорий йилда қонунлар ижросини доимий баҳолаб бориш бўйича янги тизимни йўлга қўйганимиздан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат. Қонун қабул қилиндими, у албатта ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлиши лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Яна бир муҳим масала. Ижро этувчи ҳокимият органлари қарорлар қабул қилишда қонунийликни, уларнинг асосланган бўлишини таъминлаши лозим.

Кейинги вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик билан маслаҳат қилишда қонунларимизда белгиланган талабларга ҳамиша ҳам риоя этилмаяпти. Адлия вазирлиги бир ой муддатда бу масала бўйича таклифларни Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси билан бирга муҳокама қилади ва Ҳукуматга киритади.

Ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди.

Даврнинг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаси, керак бўлса, унинг обрўсидир. Бу борада таниқли хитой файласуфи Шан Яннинг **“Яхши қонун – халққа ҳурмат ифодасидир”,** деган сўзларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Эътиборингизни **яна бир масалага** қаратмоқчиман. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Лекин ҳозирги вақтда турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекцияларининг Қонунчилик палатаси қўмиталари билан ҳамкорлик тизими йўлга қўйилмаган.

Шу боис, уларнинг ҳисоботларини қўмиталарда муҳокама қилиб бориш бўйича янги, таъсирчан тизимни жорий этсак, ўйлайманки, парламент назорати самарадорлиги янада ошади.

Қолаверса, бу иш самарали бўлиши учун вазирлик ва идораларда раҳбар ўринбосарларини қуйи палата қўмиталари билан доимий ҳамкорлик учун масъул этиб бириктирсак, нима дейсизлар?

Албатта, бу биринчи раҳбарлар зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди, палаталар билан ҳамкорлик учун сўров, авваламбор, улардан бўлади.

Умуман олганда, парламент ва Ҳукумат ўртасидаги муносабат қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, **парламент назорати – бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови”** эканини унутмаслик лозим. Афсуски, парламент сўрови, депутат сўровига юзаки ёндашиб, унга енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозим. Ушбу масалага беписанд қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Парламент ва депутат сўровларига жавоб аниқ ва мазмунли бўлиши, сўров кимга йўлланган бўлса, шахсан шу раҳбар томонидан жавоб берилиши шарт. Сўровларни юбориш ва қабул қилиш онлайн тизимга ўтаётгани бу борадаги муаммоларга ечим бўлишига ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун **самарали ташқи сиёсат олиб бориш, дўст ва ҳамкорларимиз доирасини кенгайтириш, яқин қўшниларимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш** ўта муҳим вазифадир.

Шу мақсадда, аввало, Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташқи сиёсатимизда устувор йўналиш бўлиб қолади.

Келгуси йили юртимизда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё бешлиги” учрашуви, ҳеч шубҳасиз, шу йўлдаги яна бир улкан амалий қадам бўлади. Ушбу анжуманда эркин савдо зонасини, бизнес ва инвестициявий фаоллик, илмий, технологик ва ишлаб чиқариш кооперацияси марказини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам шундай деб айтишга асос беради.

Ҳозирги вақтда фуқароларимиз Қирғизистонга ID карта билан бемалол бориб-келмоқдалар. Энди шундай тартибни Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам жорий этамиз.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги йиғилишда иштирок этаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Ислоҳотларимизни чин дилдан қўллаб-қувватлаб келаётганингиз, ҳудудларимизга чиқиб, янгиланиш ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиб, ўз давлатларингиздаги тажрибаларни биз билан ўртоқлашаётганингиз учун сизларга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун бутун дунё ниҳоятда нотинч ва таҳликали вазиятда яшаётганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Мана шундай мураккаб даврда **давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини энг бебаҳо бойлик сифатида асраш ва ҳимоя қилиш** энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур: мамлакатимиз хавфсизлиги, юртимиз мудофааси нафақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки Ўзбекистонни ўзи учун она Ватан деб биладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ягона Ватан, кўп миллатли ягона аҳил оила туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимиздан чуқур жой олиши лозим.

Дунёда турли хатар ва таҳдидлар авж олиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарур. Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади.

Шу муносабат билан яқинда Навоий вилоятида айтган фикримни такрорлашни зарур деб биламан.

Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири – иқтисодиёт, бири – маънавиятдир. Маънавий буюк халқ – иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади.

Айни вақтда биз жамиятимиздаги очиқлик ва эркинлик муҳитини, миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, виждон эркинлигини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттирамиз.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар, янги Ҳукумат, ҳоким ва вазирларимиз мана шу вазифаларнинг моҳиятини тўғри англаб, муҳтарам фахрийларимиз, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари, илмий ва ижодий зиёлиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, фаол иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар!

Кўриб турганингиздек, олдимизда ғоят улкан марралар турибди. Янги Ўзбекистонимиз янги парламенти билан бирга ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўймоқда.

Албатта, бу янги даврда энди эскича ишлаб бўлмайди. Шу боис, Ҳукумат ўз фаолиятини мутлақо янгича асосда ташкил этиши керак. Бунинг учун унга кучли раҳбар, яъни, Бош вазир зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Мен бу масала ҳақида атрофлича ўйлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Нигматович Арипов номзодини кўрсатишга қарор қилдим.

Бу раҳбарни барчангиз яхши танийсиз. Абдулла Арипов катта ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган, ижро ҳокимияти тизимида бой билим ва тажриба орттирган, масъулиятни доимо чуқур ҳис этадиган раҳбардир. У Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур тушунади, балки уларни амалга оширишда чинакам жонбозлик кўрсатиб келаётган раҳбарларимиздан бири, десак, тўғри бўлади.

У киши билан анча йиллар давомида бирга ишлаб, шунга амин бўлдимки, давлат миқёсидаги йирик дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда доимо талабчанлик ва жонкуярлик билан ёндашади. Абдулла Арипов масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимаслиги, аҳоли билан мулоқот учун ҳар доим очиқлиги, меҳнаткашлиги ва камтаринлиги билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Ушбу номзод бугун Ҳукумат олдига қўйилган, кўлами ва миқёси бениҳоя катта бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил қилади, Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарларини бирлаштириб, ягона мақсад сари сафарбар эта олади, деб ишонаман.

Ҳозирги мураккаб даврда бу жуда муҳим. Шу боис, бугун ана шу номзодни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этмоқдаман.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва фракциялар раҳбарларидан ушбу номзод ҳамда бўлғуси Ҳукуматнинг келгуси беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

* * *

Муҳтарам ватандошлар!

Энди, анъанамизга мувофиқ, келгуси йилда эътиборимиз марказида бўладиган энг устувор йўналиш бўйича маслаҳатлашиб олсак.

Бугун нафақат биз, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Биз бу масаланинг оқибатларини олдиндан кўриб, мазкур йўналишда катта ишларни олиб боряпмиз. Бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирги кунга келиб чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур қатор ҳудудларда, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришдик. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлдик. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Биз янги йилга ном бериш масаласида эл-юртимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўргандик. Билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, бошлаган ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен 2025 йилни юртимизда **АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”** йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Биз табиат ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табиат” деган иборани ишлатамиз. Ўйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат бор.

Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур.

Зеро, **табиатни асраш – инсонни асраш демакдир.**

Албатта, янги сайланган Бош вазиримиз раҳбарлигидаги ҳукумат йил номида белгиланган энг муҳим вазифалар бўйича давлат дастурини ишлаб чиқади. Ушбу дастурда “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этиши зарур.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун сиз, азизлар билан, халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу даврнинг қандай бўлиши биргаликда ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишимизга боғлиқ.

Ишончим комил, бу – **Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр** бўлади.

Бу давр парламент ва Ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади.

Келажак авлодлар албатта фахр билан тилга оладиган ана шундай буюк тарих ва келажакни яратиш бизнинг ўз қўлимизда.

Кейинги уч кун мобайнида сиз, азизлар билан, кенг жамоатчилигимиз билан мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида атрофлича фикр алмашдик. 2024 йилда – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да бажарган ишларимизга якун ясадик.

Парламентимизда – “Халқ уйи”да депутатлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режаларни, уларда илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра, **Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома** десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва Ҳукуматимиз аъзолари, каттаю кичик барча раҳбарлар мана шу Мурожаатномада белгилаб берилган улкан вазифаларни амалга оширишда фидойилик ва намуна кўрсатиб меҳнат қиласизлар, деб ишонаман.

Мана шундай шарафли мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Шарх

Яқинда Ёшлар ишлари агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева бир гуруҳ иқтидорли талабалар билан учрашди



Мен эса ўз ҳаётим ва орзуларим билан боғлиқ муҳим ғояни тақдим этдим. Келинг, тўлиқроқ маълумот берай. Биласиз, сўнгги йилларда журналистика соҳасида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ахборот олиш ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этиляпти. Лекин, очиғи, соҳада амалиётга эътибор етарли эмаслиги ҳали ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Шуни инобатга олиб, журналистика соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида “4+2” модели асосида таълим беришни таклиф этдим. Яъни, ҳафтанинг тўрт куни назарий дарсларга бағишланса, икки куни бевосита медиа соҳаси билан шуғулланишга ажратилса.

Учрашув келажак бунёдкорлари учун янги имкониятлар яратади

Тан олиш керакки, бугунги Ўзбекистон ёшлари ўз фикрини очиқ айтишга, юрт истиқболи учун долзарб масалаларни кўтаришга, ислоҳотларга ҳисса қўшишга тайёр авлод. Бу ҳақиқатни Халқаро талабалар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева иштирокида ўтказилган учрашув яна бир бор исботлади.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
“Адолат” СДП “Ёш адолатчилар” қаноти фаоли

“Ёшларни тинглаш, уларни қўллаб-қувватлаш фақат бугуннинг масъулияти эмас, балки келажакка қаратилган сармоядир. Боиси ёш авлод қанча билимли, фидойи ва ватанпарвар бўлса, мамлакат шунча буюк ҳамда қудратли бўлади”. Бу фикр бугун юртимизда ёшлар сиёсати ҳукуматнинг энг муҳим, устувор йўналишига айлангани, чунончи, мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг асл моҳиятини очиб беради.

Ана шу имкониятлар ичида ўзим борлигимни ҳис қилиш ва ҳис қилишдан ташқари, улардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиш ҳаётимдаги энг муҳим воқеалардан бирига айланди. Мен чекка қишлоқ боласиман, оиламдан узоқда, илм излаб катта шаҳарга келганман. Аммо бугун ўзимни нафақат таълим олувчи талаба, балки Саида Шавкатовна билан фикр алмашган ёшлар сафида кўряпман. Бу имкониятни орзу қилишга ҳам журъат этмаган пайтимда, ўз ғояларимни очиқ-ойдин баён қилиш учун шундай улкан минбарга эга бўлиш мен учун унутилмас таассурот, албатта.

Учрашув биринчи дақиқалардан бизни ўзига тортди. Расмиятчиликдан ҳоли, самимий ва очиқ муҳит... Бу муҳитда ҳамма ўз фикрини эркин айта олди. Фикрлар, мулоҳазалар чин юракдан ва илиқ оҳангда қабул қилиндики, кўплар ўзидаги журъатни тўлиқ намоён этди. Ҳар биримиз ўз таклифимизни айтиб, долзарб масалаларни кўтариш имконига эга бўлдик. Ҳукумат вакиласи ҳар биримизнинг фикримизни тинглаб, билдирган таклифларимизни таҳлил қилган ҳолда амалиётга татбиқ этиш йўлларини излади.

Мен эса ўз ҳаётим ва орзуларим билан боғлиқ муҳим ғояни тақдим этдим. Келинг, тўлиқроқ маълумот берай.

Биласиз, сўнгги йилларда журналистика соҳасида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ахборот олиш ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этиляпти. Лекин, очиғи, соҳада амалиётга эътибор етарли эмаслиги ҳали ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Шуни инобатга олиб, журналистика соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида “4+2” модели асосида таълим беришни таклиф этдим. Яъни, ҳафтанинг тўрт куни назарий дарсларга бағишланса, икки куни бевосита медиа соҳаси билан шуғулланишга ажратилса.

Бу таклифимдан мақсад – назарияга берилган ҳаддан ташқари эътибор ўрнига талабаларнинг ижодий ва амалий кўникмаларини ривожлантиришдир. Чунки кўплаб талабалар фақат назарий билимлар билан чекланиб қолади ва натижада соҳани тарк этишга мажбур бўлади. Амалиёт эса ёш журналистларга реал воқеликда ишлашни ўргатиб, уларнинг профессионал ривожланишини таъминлайди.

Таклифимни изоҳлар эканман, таълим жараёнидаги оралиқ ва якуний назоратларни ҳам ижодий баҳолаш шаклига ўтказиш кераклигини таъкидладим. Бунинг натижасида талабалар ўз билим ва маҳоратларини материал тайёрлаш ва медиаконтент яратиш орқали синаб кўриш имкониятига эга бўлишади.

Саида Шавкатовна бу таклифимни эътибор билан тинглаб, тизимни такомиллаштириш учун молиявий ресурс талаб қилмаслиги, фақат жараённи тўғри йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади. Бу фикрларни тинглагач, масъул ходимларга ушбу масалани ўрганиб чиқишни топширди.

Учрашувда ҳар бир иштирокчининг фикри қадрланиб, таклифлари қайд этилди. Бундай эътибор ёш авлод учун катта мотивация. Бу, албатта, ўз мевасини беради.

Учрашув давомида ҳар бир фикр, таклиф қуруқ қоғозда қолмайди, амалда ҳам рўёбга чиқади, деган ишонч уйғонди.

Бугун Ўзбекистон ёшлари тарихий бир даврни бошдан кечирмоқда. Илм-фан, санъат, спорт ёки журналистика бўладими, ҳар бир соҳада ёш авлод учун кенг йўллар очилмоқда. Биз кўп эшитган “олтин авлод” ибораси энди реал мазмун касб этмоқда. Ёшларнинг орзу ва интилишлари давлатнинг стратегик режалари билан уйғунлашмоқда.

Бу учрашув менга янги мақсадлар, янги режалар учун куч берди. Энди мен фақат ўз орзуларим билан чекланиб қолмайман. Энди менинг орзуларим – халқим, мамлакатим орзусининг бир қисмига айланган. Биз ёшлар бугунги имкониятларни қадрлаб, эртанги кунни бугундан қуришни ўзимизнинг вазифамиз, деб биламиз. Менда биргина фикр ҳукмрон: “Ўзбекистонимиз учун, келажагимиз учун меҳнат қилиш, бу энг катта бахтдир!”

Тайинлов



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатга олинди, уларнинг келишилган таклифларига мувофиқ Қонунчилик палатаси қўмиталари тузилди. Унда Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси этиб Гулруҳ Азгамова тайинланди.

Диққат!
Обуна – 2025
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши нашри “ADOLAT” ижтимоий-сиёсий газетасига 2025 ЙИЛ УЧУН ОБУНА давом этмоқда
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Имом ҒАЗЗОЛИЙ насиҳатлари

- Йўл ва кўчаларда тўпланишиб турманг.
- Суҳбатлашиш учун дўконларни танламанг.
- Одобсиз, тарбиясиз ва бадхулқ кишилар билан тортишманг.
- Фикр билдирганда: “Бу – менинг қарашим”, деб айтинг.
- Бирор нарса ёки бирортасини мақтаганда, ошириб юборманг.
- Яхши гапга диққат билан қулоқ солинг.
- Хушбўй ҳидли нарсалардан фойдаланганда, меъёрни билинг.
- Айрим орзулар рўёби учун ўзингизни ўтга-чўққа ураверманг.
- Сизга нисбатан муомала меъёрини бузганларга ҳам вазмин бўлинг.
- Бойлар саховати қошида ўзингизни зинҳор камситилгандек ҳис қилманг.
- Сўз бердингизми, бажаришга қатъийлик билан киришинг.
- Фақат ва фақат рост гапиринг.
- Ҳар ерда мақбул сўз айтинг, чиройли гапиришга ҳаракат қилинг.
- Вужудингиз роҳатини истасангиз, оз енг ва оз ичинг!
- Тингловчингиз бўлгандагина гапиринг.
- Битта сўзни қайтараверишдан сақланинг.
- Ҳеч кимни алдаманг, масхараламанг.
- Сотган нарсангизни ёқтирмай, қайтариб олиб келишса, қабул қилинг.
- Ёлғон сўзлашни тажриба қилманг ва одатланманг.
- Чанқаганда, сув ичишдан олдин оғзингизни чайқанг.
- Бозорда юрганда, ҳеч кимга озор берманг.
- Эгасининг рухсатини олмасдан, бировнинг нарсасига тегманг.
- Оғзингизда луқма билан гапирманг.
- Гапирганда қўл, бармоқлар билан ортиқча ишорат қилманг.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Бахром АБДУҲАЛИМОВ, Зуҳра ИБРАГИМОВА, Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
ISSN 2091-5217
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1100
Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.